


# **2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги 290 та аҳоли яшаш пунктига оптик толали тармоқлар тортилади**



2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги 290 та аҳоли яшаш пунктига оптик толали тармоқлар тортилади, 150 та янги базавий станция қурилиб, 200 та станцияни модернизациялаш шунингдек ҳар бир аҳоли пунктини 10 Мб/соатдан кам бўлмаган тезликдаги Интернет тармоғига улаш ишлари олиб борилади.

Оптик толали алоқа қамровини мактабгача таълим тизимида, соғлиқни сақлаш соҳасида ва бошқа соҳаларда таъминланганлик даражасини яхшилаш орқали кўплаб қишлоқларга интернет тармоғи етиб боради.

Масалан, Бўзатов туманида телекоммуникация инфратузилмаси ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш йўналиши бўйича барча ишлар режа асосида амалга оширилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларга интерактив давлат хизматларидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ҚР Вазирлар Кенгаши Ахборот хизмати